Бу киши — биздан

# Саша амаки



Бу одамни Нодира маҳалласида ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Саша амакининг нақадар олижаноб инсон эканлигини изоҳловчи бир воқеани тилга олиб ўтмоқчиман. Туш пайти эди. Ўшанда болалар поликлиникасининг бош врачи бўлиб ишлаётган Махсума опа Умарованинг ойилари қазо этганлиги ҳақида хабар келиб қолди. Турмуш ўртоғим билан тезда кўчага чиқдик. Маҳалла комитети раисига рўбарў келиб қолдик.

— Дарҳол қариндош-уруғларга хабар бериш керак, — деди раис ва ўзи марҳуманинг хонадонига шошиб жўнади. Дадалари транспорт излаб бир неча ўзбек оилаларига кириб чиқди. Униси машинам бузуқ, буниси бензин йўқ, деган баҳоналар билан рад жавобини беришибди. Ҳатто бир ўзбек йигити (унинг исмини тилга олишга ҳазар қиламан) кира ҳақини талаб қилибди. Бошимиз қотиб турувдик, қўшнимиз Александр амаки Пикулов чиқиб қолдилар.

— Нима гап, тинчликми, Нозирахон! — деб сўради. Мен воқеани тушунтирдим. Саша амакимнинг астойдил жаҳли чиқди.

— Демак мени одам ўрнида кўрмас эконсизларда? Ён қўшни бўлсак, ҳар куни юзюзга тушади...

— Кечиринг, амаки, — турмуш ўртоғим ўзини оқлашга тушди, — Сизда ҳам машина борлиги хаёлимиздан кўтарилибди.

Шу куни Саша амаки марҳумани жойига қўйиб келгунча хизматда бўлди. Шуниси характерлики, маъракаларда Андижон дўпписи ҳеч қачон унинг бошидан тушмайди.

Александр Пикулов маҳалла комитетининг аъзоси, ободонлаштириш комиссиясининг раиси. Маҳалладаги бирорта тадбир усиз ўтмайди. Ўзбек тилини астойдил ўрганаяпти.

— Ўзбек тупроғида яшаб шу дўст халқ тилини билмаслик уят, — дейди Александр амаки, — аввало, тил билганни эл танийди, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонади. Қолаверса, ўзингга ҳам осон бўлади...

Ҳа, Саша амаки Пикулов маҳалламизнинг фахри, отахонларимизнинг улфати, дўстидир.

**Н. ҲАСАНОВА,**
**Ҳамза районидаги 470-болалар боғчасининг тарбиячиси.**

Тилингизга шакар

# Одобнинг зийнати

Яхши одат — одамга саодат, бахт ато этувчи омил ҳисобланади. Қариялар: «Болани гўдаклигидан яхши хулқ-одобга одатлантиринглар», деб бежиз айтмайдилар. «Қуш уясида кўрганини қилади» ҳам дейдилар. Бола оиладан бошлаб яхши феъл-атворни ўрганса, қобилу-одил, одати ёқимли ва ширин муомалали киши бўлиб етишади, одамлар у билан мулоқотда бўлишни, икки оғиз ширин лутф-сўзини эшитишни, фикри-дардларини айтиб кўнгил ёзишни истайдилар.

Муомаласи ҳилм, яъни мулойим, юмшоқ табиатли кишини ҳамма ҳурмат-иззат, камоли эҳтиром билан эъзозлайди. Чиройли муомала оҳанграбога ўхшаб одамлар қалбидан меҳригиёсини ўзига тортиб олади. Меҳр қўйилгандан кейин ўзаро иззату-ҳурмат, оқибату-муҳаббат, содиқлигу-садоқат туғилади.

Хўш, мулойим муомала маъноси нима? Муомала — бу, биринчи навбатда—сўз! Қолаверса, юриш-туриш, хатти-ҳаракат, имо-ишора, кўз қарашдаги нигоҳ мазмунлари билан ҳам белгиланади. Ҳа, чиндан-да, муомаланинг биринчи рамзи сўз! Одатда, ким билан танишилса, энг аввал сўзига қараб баҳо берилади. Уй остонасидан чиқишимиз билан учратган кишимизга нигоҳ ташлаб:

— Ассалом алайкум!— деймиз ўнг қўлимизни кўксимизга қўйиб.

Ёши улуғми ёки ёши тенгдошми, у киши ҳам кўксига қўл қўйиб:

— Ваалайкум ассалом!— дейди хушнуд кайфиятда.

Аммо бир катта уйда яшаб, кўришганда бир-бирларига безрайишиб ўтиб кетадиган жойлар ҳам бор. Бундай кишилар муомала одатимизни ерга уриш билан бирга, ўз обрў-иззатларини йўқотишлари ҳаммамизни ачинтиради.

Бир оғиз ширин сўз дилни дилга пайванд қилади. Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам юракка тез етиб боради. Файласуф шоир Мақсуд Шайхзода шундай бир байт айтганлар:

**Бир яхшилик чиқмайди эсдан,**
**Бирда чиқмас ёмонлик сира.**

Яхшилик, яхши калом — инсон қалбига бебаҳо дуру-гавҳардек ярашиб тушади, дилгир кўнгилни ёзади, дардли қоронғи дилни ёритади.

Донишмандлардан бири — Абу Язид айтади:

— Очиқ юзли, ширин сўзли бўлинг, қаҳр-ғазабни тарк қилинг, шахсингизда бўлмаган сифат, хислат билан сизни мақтаган риёкор, мунофиқ одамнинг сўзига алданманг. Манманлик қилманг, ўзингизни бошқалардан юқори тутманг. Тўғри сўзланг, тўғри ишланг, очкўзлик, ҳарисликдан узоқ бўлинг.

Такрорий сўзлари узукка қўйилган гавҳару дурдек мана бу байтнинг маъносини чақайлик:

**Тўғри ишла, тўғри сўзла, тўғри тур,**
**Тўғри ўйла, тўғри куйла, тўғри юр.**

Муомала одобининг ҳамма фазилатларида тўғри бўлиш ва яхшиликка интилиш энг гўзал омил ҳисобланади. Тошкентнинг Каттабоғ маҳалласида яшаган тўқсон ёшли Имомхўжа ўғли Рустамхон ота шундай дердилар:

— Одамга энг ярашадиган гўзал кийим — одоб билан ахлоқдир. Шу кийимни безайдиган зийнат — тилдир, доим ахлоқли, ширин тилли бўлинглар, азизларим!

Рустам отанинг ўзлари ширин калом, ақли соғлом, ҳар томонлама баркамол инсон эдилар. Отахон ёшлару-тенгдошларига доим бир нарсани уқтирардилар:

— «Сен» ҳам, «Сиз» ҳам бир оғиздан чиқади. Дилни дилга яқин оламан десангиз, «Сиз» оғзингиз «Сен»га бормасин:

Даврлар ўтиб кетган ҳозирги кунда Каттабоғ кўчасидаги нуроний кўп отахонларни эслайман. Катта ҳовуз атрофидаги мажнунтоллар, чойхона сўриларида гурунг қуриб ўтирган доно чоллар, ширин суҳбатлар, одоби гўзал ёш улфатлар, ҳаммаси кўз ўнгимдан файз билан ўтади. Бу маҳаллада яшаганларнинг деярли «Сиз» оғзи «Сен»га бормасди. Бирор ёшяланг ичиб келаётган бўлса, чойхонадаги ёки кўчада турган ақли дониш кексалар салобатидан уялиб, улар олдидан ўтмай, узоқ бўлса ҳам айланма кўча билан келиб уйига жимгина кириб кетарди. Демак, ҳар бир кишида одамларга нисбатан ҳурмат-иззат, меҳр-оқибат бор эди. Эндичи?.. Ичиб олиб сўкиниб турган бадмаст, бировнинг молига ёки аёлига кўз олайтирган ярамас, ҳеч қаерда ишламай «миш-миш» гапларни тарқатаётган мараз кимсалар маҳаллаларда учраб тургани дилни ҳуфтон, қаҳрни тикон қиляпти.

Сир эмаски, ҳаёт гўзал бўлган сари инсон ҳам одобда камол топади ва эҳтиёж-истакларини бажо қилади. Ҳаётни гўзаллаштириш учун эса ҳаммамиз ўз юмушимизни ҳалол бажармоғимиз, тил-забонда ширинсухан бўлмоғимиз, қариялардан яшаш ибрат-намунасини олмоғимиз, ҳар бир дилни яхшилик билан яйратмоғимиз фарз ва қарзимиз бўлиши керак. Халқимизнинг кўнгли яйраб айтган ҳикматона мана бу иборасини доим ёдимизда тутайлик:

**— Тилингизга шакар, омон бўлинг!**

**Тўлқин РАСУЛЕВ.**

Инсонийлик сабоқлари

# Озгина эгилинг, профессор!

Табиат ўзининг олийнасаб фарзанди — инсонга қобилиятни текис бир хилда инъом этган эмас. Тўғри, туғма иқтидорлар кўп, аммо М. Горький таъбири билан айтганда, истеъдоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнатдир.

Иқтидор соҳиби эл аро машҳур бўла борган сари унинг характеридаги инсоний фазилатлар ҳам улғаяди, камол топади. Мен институтимизнинг фахри бўлиб келган марҳум профессоримиз Искандар Сулаймонов ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчи эдим. Искандар аканинг вақти ҳамиша саноқли, илмий ишлар, проректорлик лавозими, партиявий топшириқлар, талабалар билан шуғулланиш, фарзандлар тарбияси, хуллас, унинг бирор дақиқа бўш бўлишини тасаввур қилиш ҳам қийин эди.

Баъзан устозларни йўқлаб Олимлар шаҳарчасига бориб қолганимда ҳамиша банд бу одамнинг маҳалла ташвишлари билан куйиниб юргани устидан чиқардим. У пойтахтимизнинг энг обрўли кишиларидан эди, аммо мен фан докториман, деб маҳалла фаолиятидан бирон марта ўзини четга олганини ҳеч ким эслай олмайди. Тўю маъракаларда кексалар қўлига сув қуйишдан тортиб, ош тарқатиш, қўлга сочиқ тутиш, одамларни тавозе билан кузатиб қўйишгача майда-чуйда ишларга ҳам аралашиб кетаверарди. Искандар ака шундай камтар ва софдил, ниҳоятда хушчақчақ ва одамохун инсон эди. Халқ ибораси билан айтганда олимликдан олдинроқ одам эди у. Политехника институтида куйдипишди устозни, маҳаллада эса латифабоз инсонни ҳозир ҳамма чуқур эҳтиром билан тилга олади.

Мен кўп пайтларда бурни осмонга кўтарилган баъзи машҳур олим, санъаткор, адиб ёки амалдорларни кўрганимда ҳамиша Искандар акани эслайман.

Институтимизнинг профессори Абдуқодир ака Ўролов бундан анча йил муқаддам қизини турмушга чиқарди. Тўйга тумонат одам тўпланган. Олим бўлганлиги учун профессоримиз хонадонига асосан зиёлилар келишган. Беруний маҳалласи аҳли ҳам шу ерда, аммо хизмат қиладиганлар негадир камчил. Буни сезиб Абдуқодир ака ичичидан куйинарди. Дарвоза олдида қўл қовуштириб турганлар кўп, лекин бежирим кийинган бу фан юлдузлари негадир осмондан пастга тушишга ор қилишарди. Шунда Искандар ака ҳазилини кўтарадиган ўз дўстларидан бирига «Ҳадеб ғўдаяверманг, белингиз қотиб қолади, бироз эгилинг, профессор, хизматчилар камлигидан ҳамкасбимиз хижолат чекаяптилар» дедилар, ўзлари эса енг шимариб, ош ташишга аралашиб кетдилар. Бироқ кексалар тугул, ҳатто ёш олимларга ҳам бу гап таъсир қилмади. Яхшиямки, Абдуқодир аканинг жиззахлик ҳамюртлари келиб қолишди.

Маҳаллада ҳамма бир хил, бу ерда инсон обрўси унинг олимлиги, санъаткор, ёзувчилиги ёки амалига эмас, маҳаллага аралашувига қараб белгиланади.

Шу йил бошларида «Туркқўрғон» маҳалласида ўкинчли бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бир мўйсафид қазо қилди, унинг нуфузли идоралардан бирида ишлайдиган ўғли чет эл командировкасида эди. Кўмиш маросимига асосан ўғилнинг ишхонасидан одамлар тўпланишди. Чунки маҳалла ёшлари ишда бўлиб, бундан бехабар қолишганди. Кексаларнинг ҳоли ҳаммамизга маълум. Тобутни кўтаришга келганда эса ҳеч ким жойидан силжимади. Негаки, обрўли идоранинг «обрўли» одамлари усти ғижимланишидан ёки амалига «доғ» тушиб қолишидан чўчишди.

Шу орада бу хунук хабарни кимдандир эшитиб, Ҳусниддин ака Асомов келиб қолдилар. Бу кишини тошкентликлар яхши билишади: узоқ йиллар партия-совет органларида ишлаган, шаҳар ижрокомини бошқарган, ҳозир ҳам йирик институтлардан бирига етакчилик қилади. У киши доим шунақалар: иши бошидан ошиб-тошиб ётишига қарамай маҳалладаги маъракалардан ҳеч қачон четда қолган эмаслар.

Бу ердаги манзарани кўриб, Ҳусниддин ака тутоқиб кетди:

— Нега қаққайиб турибсизлар? Нима, биз ҳеч қачон шу мачитга тушмаймиз, деб ўйлаяпсизларми? Тағин зиёли эмиш булар! Қани кўтаринглар, — шундай дея у тобутнинг бир томонини ўз елкасига олди. Шу пайт ёшларни бошлаб маҳалла комитетининг раиси Даврон Шораҳмедов етиб келди. Олифталар ўз-ўзидан чеккага чиқиб қолишди...

Маҳалла — инсоний фазилатлар жамланган жой. Истардимки, унинг тадбирларида ким бўлишидан қатъий назар ҳамма баравар иштирок этса. Афсуски, баъзилар вақти зиқлиги ёки бошқа баҳоналар билан лоақал маҳалла идораларига ҳам бош суқмайдилар. Айниқса, ҳозир маҳаллаларимиз шаҳримизнинг нуфузли вакиллари мададига муҳтож.

**Неъматилла ҲАСАНОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

# Маҳалла низоми керак

Таклифимиз

Маҳалла комитетлари одамлар билан ҳар куни юзма-юз мулоқотда бўладиган бошқарувнинг энг биринчи бўғинидир. У кишилар қувончига ҳам, дардларига ҳам шерик. Шунинг учун ҳар қандай масала юзасидан меҳнаткашлар биринчи бўлиб бизга мурожаат этишади. Бироқ кўп муаммоларни ҳал этишда иложсиз қоламиз. Чунки маҳалла комитетларининг ҳуқуқи деярли йўқ ҳисоб. Маҳалла территориясидаги бир қарич ерни обод қилиш ва дарахт экиш учун қоғоз қоралаб шаҳар ёки район ижроия комитетларига югуриш керак.

Мана, мисол. Катта йўл ёқасидаги хонадоннинг бир четида озгина ташландиқ ер бор эди. Жуда хунук бўлиб ётган майдончани маслаҳатлашиб ўз ерига қўшиб олиш ва чиройли девор олиб, йўл йўналишига тўғрилашни хонадон эгасига топширдик., Кўнгилни хира қилиб ётган жой бекилди, бироқ юқори ташкилотлар олдида изза бўлдик. Унинг жанжали яқиндагина ниҳоясига етди.

Шу хилдаги арзимаган ишларни ҳам мустақил ҳал қилиш ҳуқуқидан маҳруммиз. Бу билан аҳоли ўртасида эътиборимиз паст демоқчи эмасман. Илтимос билан чиққан кишиларнинг ҳожатини чиқарадиган имтиёзлар комитетларда ҳам бўлса экан, деяпман. Бунинг учун эса маҳалла комитетларининг низоми керак. Токи, унда маҳаллий органлар сингари бир қатор ҳуқуқлар қайд этилсин.

Маълумки, уй-жой масаласи шаҳарда энг жиддий муаммо. Шундай хонадонлар ҳам борки, уларнинг ҳар бир аъзосига 1,2—2 квадрат метр жой тўғри келади. Бундай оилалар аҳволи район ижроия комитетларидагилардан кўра бизга кўпроқ аён. . Шундай экан, кишиларнинг квартира олишлари учун биз ҳам тавсиянома беришга ҳақли бўлайликда, ахир! Комитетлар маълум бир тартиб доирасида ҳаракат қилишлари, юқоридаги каби масалаларни тез ва одилона ҳал қилишга эришишлари учун ҳам бизга мукаммал низом зарур. Бундай низом аҳоли учун ҳам, бошқарув органлари учун ҳам жуда яхши дастак, қўлланма вазифасини ўтайди. Одамлар маҳалла комитетларининг ҳуқуқ ва имтиёзларини билиб олгач, шунга қараб мурожаат этишади. Ҳозирги кунда бизнинг имкониятимиз доирасиға сиғмайдиган масалалар юзасидан ҳам кишилар биринчи бўлиб комитетларга мурожаат қилишаверади.

**А. ОДИЛОВ,**
**«Янги Тошкент» маҳалла комитетининг аъзоси.**



**Сув бўйида бир сулув,**
**Сув сочар ҳаволатиб.**
**Дилда қайнаб бир ғулув,**
**Роз айтар наволатиб.**

